2024-yil 9-yanvar // seshanba // №5 (4913)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

# Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi | https://t.me/ishonchgz

**Кун иқтибоси**

*Бугунги кунда эл-юртимиз прокуратура тимсолида «жазоловчи идорани» эмас, балки аҳоли ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашадиган, уларнинг дардига шерик, мададкор бўлишга ҳаракат қиладиган халқпарвар тузилмани кўрмоқда.*

*Буни кейинги етти йилда прокуратура органлари томонидан 2 миллионга яқин мурожаат ижобий ҳал этилиб, 300 мингдан ортиқ фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланганини, 148 мингга яқин тадбиркорнинг муаммоларига ечим топилгани ҳам тасдиқлайди.*

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табригидан**

«Ishonch» НИГОҲИ

*Тошкент шаҳри*

## Бизнеснинг навбатдаги «ҚУРБОНИ»

**Пойтахтда дарахткушлик давом этмоқда**



**ҲОЛАТ**

Юнусобод тумани «Шаҳристон» маҳалласида жойлашган, «Ўзбекнефтгаз» АЖга қарашли АЁҚШ тасарруфидаги майдонда қурилиш бошланди.

Қизиғи, ушбу ҳудудни сотиб олган тадбиркор ишни дарахтларни туби билан қўпориб ташлашдан бошлади. Бир туп арча эса хўжакўрсинга «заправка» ҳудудига кўчирилиб қўйилди.

**АҲОЛИ НОРОЗИ**

«Шаҳристон» маҳалласи аҳли эса «бурни» остида қандай қурилиш бошланганидан бехабар.

– Маҳалламизда кафтдеккина бўлса ҳам, бўш ер қолмади. Бир қарич ерга ҳам дўкон, ундан сал каттароғига уйлар қурилмоқда, – дейди шу маҳаллада яшовчи Нозим ота. – Уйимиз олдидаги бу боғ кичик бўлса-да, ям-яшил маскан эди. Бир ой нари-берисида, қурилиш бошлаб юборилди. Бунчаликка бормайлик, ахир бу Ватанда фақат катталар эмас, ёш авлод ҳам нафас олади-ку.

Суҳбатда бўлганларимизнинг барчаси вазиятдан мутлақо норози.

– Ер «UNG Petrol АЁҚШ»га тегишли эди, – дейди «Шаҳристон» МФЙ раиси Маҳмуджон Толипов. – Маҳалламизда «Қандайдир қурилиш бошланибди» деган норозиликлар келиб чиққач, тадбиркорни маҳалла идорасига чақирдик. Келди. Гаплашдик. У ерни қонуний сотиб олган. Шу аснода боғдаги дарахтлар ва биз ўтган йили октябрь ойида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси асосида эккан 20 туп павлония дарахтини йўқ қилган. Тадбиркор шу ўринда маҳалла учун бўш турган ерларда 100 туп дарахт экиб, совуқ сув қувурларини маҳалла учун янгилаб беришни ваъда қилди. «Қандай ташкилотсиз? Бу ерга нима қурмоқчисиз?» деган саволимизга ундан «Беш қаватли бино қуриб, ижара асосида фойдаланишга бермоқчиман» деган жавобни эшитдик, холос.

**МУТАСАДДИЛАР БЕХАБАР**

Шундан сўнг қурилишга ким рухсат бергани, умуман олганда, дарахтларнинг кесилиши қонунийлиги ёки ноқонунийлигини билиш мақсадида Юнусобод тумани ҳокимлигига бордик.

Ҳокимлик матбуот хизмати вакили, воқеа гарчи шу туман ҳудудида рўй бераётган бўлса-да, қурилишларга Тошкент шаҳар ҳокимияти рухсат беришини маълум қилди.

– Суриштирув ишларининг жавоби ҳали чиқмади. Вазият тегишли ташкилотлар томонидан чуқур ўрганилмоқда. Қурилиш бўлаётган манзилда бўлганимизда дарахтлар ишчилар томонидан кесилганини, уч туп арча эса «заправка» ҳудудига кўчирилганидан хабар топдик. Жиззах вилоятидан келиб ишлаётган ёлланма усталардан тушунтириш хатлари олинди. Улар ўз кўрсатмаларида дарахтлар кесилишида тадбиркорнинг айби йўқлигини билдиришди, – дейди Юнусобод тумани Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими бошлиғи Нодир Қодиров.

Мазкур тушунтиришдан ажабландик. Демак, дарахтларни истаган одам истаган пайтда кесиши мумкин, деган хулоса чиқадими бундан…

**ТАДБИРКОР НИМА ДЕЙДИ?**

Қурилишни бошлаган тадбиркорни излаб топдик. Ўзимизни таништириб, бир нечта саволлар борлигини маълум қилдик.

Аввалига «Саволларингизни беринг» деган тадбиркор, уларни эшитгач, бир зумда «оддий ишчи»га айланди ва ҳатто у ерда аввалроқ ишлаб кетганини айтиб гапни қисқа қилди.

**МОРАТОРИЙ БИР ЧАҚАМИ?**

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 декабрдаги тегишли Фармони билан дарахтларни кесишга мораторий эълон қилинган эди. Бу қарор яхши натижа берди ва шу сабаб мораторий 2024 йилга қадар узайтирилиб, жавобгарлик кескин кучайтирилиши белгиланди. Ҳуқуқбузарликларни назорат қилиш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида экология полицияси ташкил этилди. Мораторий натижасида 2023 йилда 316 минг дона қимматбаҳо дарахтлар асраб қолинди. Бироқ, шунга қарамасдан, ўтган даврда 2,8 мингта қимматбаҳо ва 2 мингдан зиёд кам қимматли дарахтлар ноқонуний кесилган.

Гарчи ҳуқуқбузарлар учун жарималар миқдори 5 баравар, етказилган зарар учун компенсация миқдори 2 баравар оширилган бўлса-да, ҳамон дарахткушлик барҳам топгани йўқ. Демак, бу чоралар ҳали жуда ҳам енгиллигича қолмоқда.

**ХУЛОСА**

«Шаҳристон»даги мевали ҳамда манзарали дарахтлар бизнеснинг навбатдаги «қурбони» бўлди. Қолаверса, бу қонунларни менсимаслик, давлат томонидан ўрнатилган тартибларни писанд қилмасликнинг яққол намоёнидир.

Аслида шундай тартиб, шундай тизим борми? Ҳар бир дарахтга паспорт қиламиз, ҳар бирининг ўз эгаси бўлади, деб бонг урганларни қаердан излаш керак бугун?

Бу саволлар билан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали бот-бот чиқишларга бамайлихотирлик ва сукунат билан «жавоб» қайтараётган пойтахт ҳокимлигидан, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигидан жавоблар кутамиз.

**Феруза РАҲИМОВА**
*«ISHONCH»*

*Қорақалпоғистон Республикаси*

*Соғломлаштириш*

## Қишки таътил «Оқ кема»да



Шу йил 2-8 январь кунлари Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» болалар дам олиш оромгоҳида 100 нафар бола мароқли дам олди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тасарруфидаги мазкур оромгоҳда ўтган бир ҳафта болажонлар учун унутилмас лаҳзаларга бой бўлди.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўқувчиларнинг қишки таътилда бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ишлари тизимли бажарилмоқда.

**Шаҳноза ЖЎРАЕВА,**
*Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти мутахассиси*

*Хушхабар*

## «Сариосиё — Тошкент»: ИЛК СИНОВ ПАРВОЗИ




Транспорт вазирлиги, Фуқаро авиацияси агентлиги, «Uzbekistan airways» АЖ ва «Uzbekistan airports» АЖнинг тегишли мутахассис ва экспертларидан иборат ишчи гуруҳ «Лет Л-410» ҳаво кемасида Тошкент – Термиз, Термиз – Сариосиё, Сариосиё – Тошкент йўналишида илк синов парвозларини амалга оширди.

Ишчи гуруҳ томонидан Сариосиё аэродромидан фуқаро авиацияси парвозларида фойдаланиш талаблари, ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятлари ўрганилди. Шунингдек, фуқаро авиацияси халқаро нормаларига мувофиқ йўловчи терминалини барпо этиш ва зарурий инфратузилмани яратиш бўйича вазифалар белгиланди.

*Андижон вилояти*

*Жамоатчилик назорати*

## ИШ ҲАҚЛАРИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг тегишли фармойишига мувофиқ, унинг Андижон вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан Олтинкўл тумани тиббиёт бирлашмасида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши бўйича жамоатчилик назорати ўтказилди. Шу асно бирлашманинг режали жарроҳлик ва анестезиология, реанимация ва интенсив терапия ҳамда «EMERGENCY DEPARTMENT» бўлимларида вақтинчалик жорий таъмирлаш ишлари олиб борилган пайтда – 2023 йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида бекор туриб қолишгани учун 142 нафар ходимга ўртача иш ҳақлари тўланмагани аниқланди.

Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 266-моддасига биноан, иш берувчининг айби билан бекор туриб қолинган вақт (иқтисодий, технологик, техник ёки ташкилий сабабларга кўра, ишни вақтинча тўхтатиб туриш) учун ходимнинг ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланиши керак. Шундан келиб чиқиб, ходимларнинг икки ойлик ўртача иш ҳақлари – жами 465 миллион 636 минг 195 сўм тўлаб берилди.

**Анваржон АРЗИЕВ,**
*Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси*



*Фарғона вилояти*

*Йўқлов*



## Кутилмаган ТАШРИФ

Кексаларни эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, меҳнатини қадрлаш, ғамхўрлик кўрсатиш касаба уюшмалари фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Таълим тизимида узоқ йиллар фаолият юритган ва ҳозир пенсияда бўлган, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиб, байрам совғалари топширдик.

Йўқловдан кўнгли тоғдек кўтарилган фахрийлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикка шукрона келтиришиб, касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишларни эътироф этишди, халқнинг турмуш тарзи кундан-кунга фаровонлашиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

**Лолахон АҲМЕДОВА,**
*Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси*

*Сирдарё вилояти*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.**

*Раёсат йиғилиши*

## Ишчанлик руҳида

Унда Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили бўйича қабул қилинган дастур ижроси, транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши, бошланғич касаба уюшмалари қўмиталарида касаба уюшма бюджети маблағлари ҳамда санаторий йўлланмаларидан самарали фойдаланиш, вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг иш жараёнида қабул қилган қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар кўрилди.

— Вилоят кенгаши тизимидаги барча ташкилотларда ишчи-ходимлар ва уларнинг ота-оналарини соғломлаштириш, тарихий шаҳарларга саёҳатларга олиб бориш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда салмоқли ишлар амалга оширилди, — деди Федерациянинг вилоят кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Буларнинг бари иш жойларида доимий соғлом муҳит барқарор бўлиши ва ишчи-ходимларнинг кайфияти кўтарилишининг муҳим омилидир. Турли танловлар, форумлар, спорт тадбирлари натижалари ҳақида кўплаб ибратли мисолларни келтиришим мумкин.

Кун тартибидаги навбатдаги масалага танқидий ёндашилди. Яъни вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси, вилоят қурилиш бош бошқармаси, Тошкент кимё-технологиялари институтининг Янгиер филиалида касаба уюшма бюджети маблағлари ҳамда санаторий йўлланмаларидан мақсадли фойдаланиш борасида қатор камчиликларга йўл қўйилгани, айримларида санаторий йўлланмаларини расмийлаштиришда ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги, баъзиларида молиявий ҳужжатлар бетартиб юритилгани қайд этиб ўтилди.

Ишчанлик руҳида ўтган йиғилишда кўрсатилган хато ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш, молиявий интизомга қатъий риоя қилиш ва бошқа масалалар юзасидан тегишли йўналишлар белгилаб олинди.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**
*«ISHONCH»*

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ



# Ходимнинг розилигисиз меҳнат шартлари ЎЗГАРТИРИЛСА...

**САВОЛ:** *Танишим ишга кирганида тузилган меҳнат шартномасига корхона маъмурияти томонидан ўзгартириш киритилибди. Лекин бу ҳақда уни ҳеч ким огоҳлантирмабди. Раҳбарият ходимнинг розилигисиз меҳнат шартномаси шартларини ўзгартира оладими?*

**Фазлиддин БЕРДИЕВ**
*Тойлоқ тумани*

**ЖАВОБ:** Меҳнат шартларини белгилаш ва ўзгартиришнинг қонунда кўрсатилган умумий тартибига кўра, меҳнат шартлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан белгиланади. Меҳнат шартларини ўзгартириш, улар қайси тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади.

Шу билан бирга, Меҳнат кодексининг 137-моддасида иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи ҳамда буни амалга ошириш тартиби белгилаб қўйилган.

Жумладан, иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир.

Иш берувчи меҳнат шартларининг келгусидаги ўзгариши ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма шаклда, имзо қўйдириб огоҳлантириши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра йўл қўйилади.

Иш берувчи меҳнат шартларининг келгусидаги ўзгариши тўғрисида ходимни огоҳлантиришнинг икки ҳафтадан ортиқ бўлган муддатини фақат ходимнинг розилиги билан мутаносиб пулли компенсация билан алмаштиришга ҳақли.

Агар огоҳлантириш муддати тугагач, ходим янги меҳнат шартларида меҳнат қилишни рад этса, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ходим янги меҳнат шартларида ишни давом эттиришни рад этганлиги муносабати билан унга ишдан бўшатиш нафақаси тўланган ва қонунда назарда тутилган кафолатлар тақдим этилган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Ходим иш берувчи томонидан меҳнат шартлари ўзгартирилганлиги устидан шикоят қилишга ҳақли.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**



Сурхондарё вилояти

*Касаба уюшмаси аралашгач...*

# ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига ўтган йилнинг февралида Сариосиё туманининг Шарғун шаҳарчасида яшовчи Жамолиддин Аллақулов ариза билан мурожаат қилади.**

У «Шарғункўмир» АЖда кўмир қазувчи вазифасида ишлаб, фаолияти давомида меҳнат қобилиятини йўқотади ва корхона томонидан 2005 йил 14 февралдан 25 февралгача касб касалликлари клиникасига ташхис қўйиш ҳамда даволаниш учун юборилади. 2005 йил 22 мартдаги 8-Сариосиё ТМЭКнинг хулосасига кўра, Аллақуловга бел умуртқаси остеохондрози касаллиги бўйича 60 фоиз зарарлангани ва касб касаллигига чалингани тўғрисида ташхис қўйилиб, III гуруҳ ногиронлиги белгиланади.

«Шарғункўмир» АЖ Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган қоиданинг иккинчи бўлими 14-бандига риоя қилмай, Жамолиддин Аллақуловга 18 йил давомида энг кам иш ҳақининг ўзгаришини тўлиқ ҳисобга олмасдан товон пули тўлаб келган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларнинг 1-бўлим, 8-бандида «Белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори оширилганда соғлиқнинг шикастланиши билан боғлиқ зарар ёки боқувчисининг вафоти билан боғлиқ равишда бериладиган йўқотилган иш ҳақи, бошқа тўловларни қоплаш суммаси пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг оширилган суммасига мутаносиб равишда кўпайтирилади» деб қайд этилган.

Ўрганишлар натижасида «Шарғункўмир» АЖ Жамолиддин Аллақуловга қарийб 41,6 миллион сўм кам тўлаганлиги маълум бўлди.

Касаба уюшмалари ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли ушбу маблағ «Шарғункўмир» АЖ ҳисобидан тўлаб берилишига эришилди.

**Эркин МЕНГЛИЕВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат-техник инспектори*

Фарғона вилояти

*Ҳуқуқ*

# ВАЗИФАСИДАН НОҲАҚ БЎШАТИШГАН ЭДИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига аъзолардан турли мурожаатлар келиб тушади. Чунки касаба уюшмалари уларнинг ҳақиқий суянчиғига айланган.**

Ана шундай мурожаатлардан бирини «Фарғона ХЭТК» АЖ ходими Шоирахон Исроилова йўллади. У иш берувчининг буйруғи билан 2023 йил 5 январда ишдан бўшатилган ва 12 июлга қадар асоссиз равишда ишга қўйилмаган. Бундан норози бўлган Шоирахон Исроилова эса касаба уюшмаларидан ҳуқуқини тиклашда кўмак сўраган.

Касаба уюшма ҳуқуқшунослари Шоирахон Исроилованинг манфаатини ҳимоя қилган ҳолда иш берувчи билан музокара ўтказди. Бироқ иш берувчи ўзини «ҳақ» деб ҳисоблади. Музокаралар наф бермагач, иш судгача борди.

Шоирахон Исроиловага 94 миллион 925 минг сўм иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб бериш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилди.

Яна бир ҳолатда касаба уюшма аралашуви билан иш берувчининг ғайриқонуний буйруғи бекор қилиниб, ходим ишга тикланди. Яъни «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 17-цехи етакчи мутахассиси Дилфуза Маҳмудова билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2023 йил 30 октябрдаги №373-к-сонли буйруғи билан бекор қилинади. Касаба уюшмаси томонидан Дилфуза Маҳмудовани меҳнатга оид бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан хулоса берилди.

Мазкур ҳолат судда кўриб чиқилди. Суднинг қарорига кўра, Дилфуза Маҳмудова «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 17-цехи етакчи мутахассиси лавозимига ишга тикланиб, унинг фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари ва маънавий зарар учун 19 миллион 680 минг сўм ундириб бериладиган бўлди.

**Авазхон ТЎРАХЎЖАЕВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юрисконсульти*

Бухоро вилояти

*Бандлик*

# ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУД

## Бундай мақомга эришишнинг ўзига яраша масъулияти бор



**Халқимиз қўлингда коринг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дея бежиз айтмаган. Кимнингки тайинли касби бўлса ва у омилкорлик билан иш юритса, хонадонига файз-барака киради, ўзи ва оила аъзолари тўқ, бекаму кўст яшайди.**

Бинобарин, биз фарзандларимизнинг бахтли келажагини барпо этишимиз учун, аввало, сидқидилдан ва ҳалол меҳнат қилишимиз керак. Бунинг учун кимдир томорқадан унумли фойдаланишни зарур деб билса, кимдир ўз куч-қувватини билим олишга сарфлашни ёки тадбиркорлик билан шуғулланишни афзал кўради. Юрт тинчлигини, аҳоли фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, ҳар бир оиланинг даромадини кўпайтириш эса кўп жиҳатдан хотин-қизларни ишли қилишга боғлиқ. Бу борада Президентимизнинг Бухоро вилоятини ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш юзасидан берган кўрсатмаси барчамиз учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан соҳа фаоллари томонидан хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, вилоятни хотин-қизлар ўртасида ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш дастурлари ижроси устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Хусусан, учинчи масала бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, сектор масъулларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан 18-55 ёшдаги 430 минг нафардан зиёд аёллар билан суҳбатлар ўтказилди. Шу жараёнда уларнинг 379 минг 237 нафари турли соҳаларда банд эканлиги, 4 минг 866 нафарининг ишлаш нияти борлиги аниқланди. Мутасадди давлат ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари ҳамда касаба уюшмалари фаоллари олиб борган жамоатчилик мониторинги ҳамда эшитувлар натижасида меҳнат қилиш истагида бўлганларининг 874 нафари доимий ишга жойлаштирилди. 1 минг 139 нафари мавсумий ва вақтинчалик юмушларга жалб этилди. Субсидия олган 2 минг 9 нафар хотин-қиз иссиқхона қуриш, тикув машиналари ва бошқа иш қуроллари билан таъминланганлари эса ўзини ўзи банд қилиш имконига эга бўлди. 273 нафарининг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. 558 нафари касб-ҳунарга ўқитилиб, ишга жойлаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, 2023-2025 йилларда Бухоро вилоятида пахта-тўқимачилик ва ғаллачилик кластерлари ҳамда касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Шунинг самараси ўлароқ, вилоятни аҳолиси иш билан тўлиқ таъминланган ҳудудга айлантириш чоралари кўрилди. Жумладан, 10 та пахта-тўқимачилик кластери томонидан 81 минг 611 та янги иш ўрни яратилди. Дастур доирасида 693 нафар миграциядан қайтган аёлнинг бандлиги таъминланганини ҳам ўзига хос ютуқлардан бири дейиш мумкин.

Сирасини айтганда, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида олиб борилган тушунтиришлар натижасида 398 мингдан ортиқ киши ишли бўлди. Уларнинг 16 минг 794 нафари инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш, 129 минг 300 нафари хизмат кўрсатиш, тадбиркорликни тараққий эттириш, 241 минг 200 нафари қишлоқ хўжалигини равнақ топтириш йўналишлари бўйича ишга жойлаштирилди.

Энг қувонарлиси, эзгу мақсадларда қабул қилинган дастурлар ижроси халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларида муҳокама қилиниб, сессиялар қарорларига биноан, Бухоро ишсизликдан холи ҳудуд деб эълон қилинди. Албатта, бу мақомга лойиқ бўлиш учун келгусида фаолиятни бир лаҳза ҳам сусайтирмаслик лозим. Зеро, меҳнат бозорига кириб келаётган, миграциядан қайтаётган, таълим муассасаларини битираётган ишчи кучларининг бандлигини таъминлашни изчил ва жадал давом эттириш давр талабидир.

**Ҳамид БЕШИМОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари*

Қашқадарё вилояти



*Фаолият*

# Хайрли амаллар бардавом

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши таркибида 106 та бошланғич ташкилот бўлиб, унда 14 минг нафардан зиёд аъзо бор. Аъзолар сонини янада кўпайтириш мақсадида тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилаётир. Бунинг натижасида 90 та нодавлат сектор муассасасида касаба уюшмаси тузилди.**

Маълумки, ҳар ҳафтанинг сешанбаси «Бошланғич ташкилотлар куни», этиб белгиланган. Бу борада ҳам самарадорлик бўй кўрсатиб қолди. Масалан, касаба уюшма фаоллари 2-мактабда бўлиб, ушбу таълим муассасаси йиллар давомида капитал таъмирланмаганига эътибор қаратишди. Бу ҳақда вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси мутасаддиларига мурожаат қилинди. Шундан сўнг мактабга янги бино ва ошхона қуриб берилди.

14-мактабда эса қўмита раисининг ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясида сусткашликка йўл қўяётгани аниқланди. Шу боис меҳнат жамоаси иштирокида йиғилиш ўтказилиб, етакчи алмаштирилди, янги қўмита аъзолари сайланди.

Йил давомида бошланғич касаба уюшма қўмиталари қарорларига асосан, 304 нафар ходимнинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, моддий ёрдам кўрсатилди. 200 нафарга яқин педагог ва уларнинг оила аъзолари учун сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Шунингдек, 14 нафар фаол педагог «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳида бепул соғломлаштирилди. Бундан ташқари, жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига асосан, 3 минг 500 нафар ходим тарихий шаҳарларга саёҳатга юборилди.

**Акмал АБДИЕВ**
*«ISHONCH»*

## ДУНЁДА НИМА ГАП?



### Шарль Мишель Европа Кенгаши раҳбари лавозимини муддатидан олдин тарк этмоқчи



Европа Кенгаши раҳбари июнь ойида бўлиб ўтадиган Европарламентга сайловларда қатнашиш нияти борлигини маълум қилгач, Брюсселда хавотирлар кучайди. Шарль Мишель сайланадиган бўлса, ўз лавозимини тарк этиши керак. У ҳолда ЕИга Европа Кенгашининг янги президентини сайлаш учун бор-йўғи олти ой вақт қолади. Агар давлат раҳбарлари Мишелнинг вориси бўйича келиша олмаса, унинг ўрнини Венгрия бош вазири Виктор Орбан эгаллайди. Бу шу йилнинг июлидан декабригача айнан Венгрия Кенгашга раислик қилиши билан изоҳланади.

Амалдаги қоидаларга кўра, Европа Кенгаши раиси лавозимини Европа парламенти аъзоси мандати билан бирлаштириб бўлмайди. Шу боис Мишель истеъфога чиқишига тўғри келади. Хабар қилинишича, бунинг охирги муддати 16 июля тўғри келади.

Брюссель учун Орбан – Европа Иттифоқи олий сиёсий органи раҳбари лавозимига номақбул номзод. Венгрия етакчиси муҳожирларга қарши чиқишлари билан танилган, уни яна блок сиёсатига қарши чиқишида ҳамда умумевропа қадриятларига ҳурматсизликда айблайдилар. Орбан бир неча бор Россияга санкциялар ва Украинанинг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишига қарши чиққан эди.

### Зилзилалар қурбонлари сони 168 кишига етди



Япониядаги зилзила қурбонлари сони 168 кишига етди, 323 киши алоқага чиқмаяпти, дея хабар бермоқда Киодо агентлиги.

Аввалроқ 161 киши ҳалок бўлгани, 103 нафар одам алоқага чиқмаётгани хабар қилинган эди. Вадзима шаҳри раҳбарияти 281 кишининг қаердалиги ва хавфсизлиги бўйича маълумот бера олмагач, бедарак кетганлар сони анча ортиб, зилзиладан марказидан бирига айланган шаҳардаги фожиа кўламини ҳали ҳам тўлиқ баҳолаб бўлмаяпти.

1370 дан ортиқ уй қисман ёки тўлиқ вайрон бўлган, одамлар вайроналар остида қолган бўлиши мумкин. Бир кун аввал, зилзиладан 124 соат ўтиб, Судзу шаҳридаги вайроналар остидан 90 ёшли кампир тирик ҳолда олиб чиқилди.

66 минг хонадон сувсиз, 18 мингдан ортиқ хонадон эса электр энергиясиз қолмоқда. Исикава префектурасида 357 та эвакуация пункти очилган, эвакуация қилинганлар сони 28,8 минг кишини ташкил этади. Воқеа жойида олти мингга яқин ўзини-ўзи мудофаа қилиш кучлари ишламоқда.

### Дунёдаги илк шахсий қўниш модули Ойга учди



Флорида штатидаги Канаверал бурнидан Америкалик дунёдаги илк шахсий қўниш модули бор ракета муваффақиятли учирилди.

НАСА бортида Peregrine деб номланган дунёдаги дастлабки шахсий қўниш модули бўлган Vulcan ракетасини Ойга учирди. Қурилма Astrobotic Technology компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Peregrine Ернинг табиий йўлдошига тахминан тўқсон килограмм юкни етказиши керак. Модуль бортида Ой сиртини ўрганиш учун зарур асбоб-ускуналар мавжуд.

### Исроилнинг сабри тугаяпти



Исроил бош вазири Беньямин Нетаньяху Ливан гуруҳи жангариларига куч ишлатиш билан таҳдид қилиб, агар можарони дипломатик йўл билан ҳал қилиб бўлмаса, мамлакат ҳар қандай курашга тайёрлигини билдирди.

Ғазо секторидаги уруш Исроил «ўзининг барча мақсадларига» эришмагунча ҳамда ХАМАС томонидан гаровга олинганлар уйларига қайтарилмагунча давом этади. Бу ҳақда Исроил бош вазири якшанба кунги ҳарбий вазирлар маҳкамаси йиғилишида яна бир бор баёнот берди.

«Мен «Ҳизбуллоҳ»га ХАМАС бундан олдинги ойларда олган сабоқларидан хулоса чиқаришни тавсия қиламан», деди у.



# ФАРИШТАЛИ УСТОЗ

**Журналист ҳам кашфиётчи бўлиши мумкинми, дейсиз, мақоламиз қаҳрамонининг асл касбини билганингиздан сўнг... Адабиётшунослик, матбуот соҳасидаги тадқиқотларидан хабар топганда ҳам шу саволингиз такрорланиши табиий. Унинг бетакрор ҳикоялари, қисса ва романларини ўқиб, ўз йўлига хос адиблигини англагач ҳам шу савол жаранглайди: ёзувчи ёзади-ку, нимани кашф этсин? Унинг маҳоратли муҳаррир, раҳбар, жамоат ва давлат арбоби эканлигини аён билганингизда ҳам шу савол хаёлингизни тарк этмайди. Меҳрибон ота, бува, умр йўлдош, жонкуяр устоз, алқисса, катта ҳарфлар билан битиладиган ИНСОН, ШАХСлиги аён бўлгач ҳам «Кашшофлиги нимада ахир?», дейишингиз аниқ. Саволга жавоб беришни нимадан бошласак, ўринли бўлади?**

Хуршид Дўстмуҳаммад бундан йигирма йил аввал «Озод изтироб қувончлари» мақоласини чоп эттиргани кўпчиликнинг ёдида. Унинг «Ўн беш дақиқалик йўл» деб номланган дастлабки боби «Биз киммиз, қаердан келдик, қаён кетамиз?» каби одамзод яралганидан буён шаклланган мангу саволларга жавоб излашдан бошланади. «Уч фараз» ҳақида фикр юритар экан, муаллиф уни қуйидаги инкишофи билан бошлайди:

«Инсоният тафаккури англаб етган энг улкан ҳақиқат — **Оламнинг яхлит бир бутунлигидир!** Ушбу Оламни тутиб турган **Мутлақ мувозанат — Мутлақ уйғунлик** — иккинчи ҳақиқат! Ана шу икки ҳақиқатдан келиб чиқувчи учинчи ҳақиқат — инсоннинг **Билишга мойиллиги!**

Замин қаъридан тортиб то Коинот чексизлиги қадар нимаики мавжуд экан, шу оралиқда қандай ҳодисалар, жараёнлар кечар экан, уларнинг барчаси бир-бирига алоқадор мазкур уч ҳақиқат-ҳикмат измида».

Етти қаторга жойланган ана шу ҳақиқатларни англаб етиш, бир тўхтамга келиш учун инсонга қанча фурсат керак, деб ўйлайсиз? Тўғри айтасиз, буни вақт билан ўлчаб бўлмайди! Қанча китоб ўқиш керак? Китоблар миқдори ҳам ўринсиздек...

Хуршид ака муқаддас китобимиз Қуръони карим ҳақиқатлари, унгача туширилган Инжилдаги маълумотларни тафаккур чиғиридан ўтказади, Арасту, Форобий, Насафий, Соғуний, Флоренский, Блаватская, Тагор, Леннокс, Соловьёв каби файласуфларнинг коинот, замин, борлиқ, олам, инсон, жуфтлик, руҳ, қалб, уйғунлик, мувозанат каби тушунчаларга муносабатини ўрганади, уларнинг моҳиятини шарҳлайди, таҳлил қилади, қиёслайди, баҳслашади. Демак, ўқиганларини уқиш, кўрганлари билан қиёслаш, ҳақиқатларни ажрата билиш, уларнинг энг эзгу ҳикматларини умри мазмунига айлантириш учун ҳам ҳар бир инсон бу мўъжизали оламни ўзи учун қайта кашф этиши кераклиги уқтирилмоқда.

* * *

Юқоридаги иқтибослар Х.Дўстмуҳаммаднинг фалсафий қарашларга мойиллигини, дунёга олим кўзи билан қараётганини англатмоқда.

Олимлик, илм ҳақида гап кетди. Хуршид Дўстмуҳаммадни кўпчилик ёзувчи, муҳаррир, депутат сифатида билса-да, унинг илмий тадқиқот ишларидан кўпчилик бехабар. Устознинг номзодлик диссертацияси соф адабиёт мавзуида бўлса, докторлик диссертацияси бевосита журналистика, ахборот дунёси муаммоларига бағишланган. Филология фанлари доктори, профессор Х.Дўстмуҳаммедовнинг илмий маслаҳатчилигида икки нафар фан доктори, икки нафар фан номзоди етишиб чиқди. Яна икки нафари докторлик ва бир нафари номзодлик мавзуси устида ишламоқда.

Устоз мақоми ҳақида гапирганда, унинг талабаларга меҳри бўлакча эканлигини алоҳида таъкидлашни истардик. «Талабалар билан яқиндан мулоқотда бўлиш давр ва замон ўзгаришлари ва янгиликларини илғашга ёрдам беради. Фикр янгиланади, нуқтаи назарлар янгиланади», дейди Хуршид ака ўзаро суҳбатларда. Бу ҳақиқат, лекин талабаларга нисбатан бағрикенглиги ҳам ҳақиқатдир.

> **Устоз мақоми ҳақида гапирганда, унинг талабаларга меҳри бўлакча эканлигини алоҳида таъкидлашни истардик. «Талабалар билан яқиндан мулоқотда бўлиш давр ва замон ўзгаришлари ва янгиликларини илғашга ёрдам беради. Фикр янгиланади, нуқтаи назарлар янгиланади», дейди Хуршид ака ўзаро суҳбатларда. Бу ҳақиқат, лекин талабаларга нисбатан бағрикенглиги ҳам ҳақиқатдир.**

* * *

Чин журналист муаммони халқ, юрт манфаати нуқтаи назаридан жамоатчиликка олиб чиқишни муқаддас вазифа деб билади. Шундай бўлса-да, журналист миллатнинг дардини айтаётганда ҳам турли йўллардан боради. Дейлик, бири муаммони дангал айтади, иккинчиси унинг келиб чиқиш сабаблари, ечими борасидаги турли-туман фикр-мулоҳазаларни қиёслаб, кўрсатиб беради. Сиртдан қараганда, аввалгисининг оҳанрабоси кучли — муаммони дангал қўйиш. Бу усул ўқувчига ёқади. Бироқ ҳақиқий публицист муаммонинг ахборотини бериб, чора кўриш бошқаларнинг иши, деб ўзини четга олмайди. Публицист миллат тараққиётига ғов бўлган муаммо сабабларини таҳлил қилишда жадид боболар каби маърифат йўлини танлайди. Мақоламиз қаҳрамони Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасида ана шу жиҳатлар устуворлиги билан аҳамиятлидир. Унинг публицистикасини маърифий десак, бу таърифга яна нимадир етишмагандек туюлаверади. Шу боис маърифий сўзини бугунги авлод тили билан фикр публицистикаси деб ўзгартирсак, хато бўлмайди.

«Фикрлаш эркинлигидан кўра буюкроқ неъмат йўқ. Фикри озод бўлмаган одамнинг ўзи озод ҳисобланмайди. Турли заминий кучлар одамни истаган кўйга солиши мумкин, ҳатто унинг тафаккурига зулм ўтказишдан тоймаслиги мумкин, лекин энг қаттол шароитда ҳам фикр — озоддир!.. Ҳар қандай заминий ёвуз куч ҳам фикрни ўлдиришга ожизлик қилади. Чунки фикр — илоҳий, самовий ҳодисадир!» деган хитоб ҳам Хуршид Дўстмуҳаммадга тегишли.

* * *

Ҳақиқий бош муҳаррирлар ҳар қандай даврда жамиятнинг юрак зарбини ҳис қиладилар. Айниқса, замон талабларига мос бўлмаган томонларини, камчиликларини, юзага келган муаммою тараққиётга тўсқинлик қилаётган иллатларни аввалроқ англаб етадилар. Бартараф этиш учун бонг уришга ҳаракат қиладилар. Бу бўлаётган яхшиликлар, муваффақиятларни тан олмайдилар дегани эмас, асло! Ютуқлар ўзимизники! Забт этилган марраларга маҳлиё бўлиб қолишнинг оқибати эса...

Жонкуяр муҳаррирларнинг муаммони илғаб олишига уларнинг халқ билан ҳамнафаслиги, масалалар ечими устида атрофлича бош қотириши, асл мутахассислар фикрларини эшитиши, изланиши, кўп ўқиши, дунёнинг ривожланган ўлкалари муваффақиятлари билан ўз юрти аҳволини қиёслай билиши, мавзуни жамоатчилик эътиборига етказиши, бир сўз билан айтганда, ахборотга эга бўлиши сабабчидир балки... Таъкидлаб қўяйлик, гап юртпарвар, халқпарвар зиёли муҳаррирлар ҳақида кетмоқда.

Аммо, лекин, бироқ... ҳақиқий бош муҳаррирлар учун энг машаққати фақат булар эмас!.. Энг машаққати мавжуд муаммони газета-журналда кўтариб чиқса-да, уни ҳокимият соҳибларига етказа олмаслиги, етказганда эса фикрини қабул қилдиролмаслигидадир.

Ҳақиқий муҳаррирларнинг қисматида бундай воқеалар кўп бўлди. Хуршид Дўстмуҳаммад «Ёш куч» журналида бош муҳаррир сифатида (1994-95 йиллар) даврнинг долзарб мавзуларини белгилаш, қўл остидаги журналистлару ташқи муаллифлар билан ишлаб, муаммоларни жамоатчилик ҳукмига олиб чиқиш борасида катта тажриба тўплади. Нашрнинг мазмунини бойитиш мақсадида кўп ғояларини ҳаётга татбиқ этди. Бунда халқнинг назаридаги энг муҳим — ҳуқуқлари поймол этилганлар ҳимоясию аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид чиқишлар билангина чекланиб қолмади. У таҳририят раҳбари сифатида инсон камолотида муҳим ҳисобланган адабиёт, мусиқа, фалсафа ва бошқа йўналишларга ҳам эътибор қаратди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Ҳуррият» газетасига бош муҳаррирлик вазифасига ўтганлиги жамиятда содир бўлган ўзгаришлар, демократик тўлғоқларни кўтаролмаётган авлод эврилишлари билан кечганлигини кузатишимиз мумкин. Мустақилликнинг тўртинчи йилидан кейин истиқлолни мустаҳкамлаш баҳонасида эркинлашиб келаётган матбуотга тўсиқлар қўйила бошланди. Оммавий ахборот воситаларида бошқача фикр айтилмай қўйгани, ҳатто, раҳбарларнинг ўзига ҳам яққол сезилиб қолди. Шунда матбуот эркинлиги мавжудлигини кўрсатиш мақсадида XX асрнинг 17-йилида чоп этилган жадидлар нашри номида «Ҳуррият» мустақил газетасини таъсис этишга изн берилди.

Унда жуда долзарб муаммолар кўтарилди. Мисоллар эса кўп, масалан, ҳозирда марҳум мутафаккир олимимиз Нажмиддин Комиловнинг «Вазир қандай бўлиши керак?» сарлавҳали туркум мақолалари газетанинг бир неча (1998 йил 28 январь, 25 февраль, 11 март, 27 май) сонларида берилди. «Давлатчилик» рукнидаги бундай мақолаларда ҳукумат раҳбарига камарбаста бўлган вазирлар дунёқараши, интеллектуал салоҳияти қандай бўлиши, давлат ишларини юритишда адолатпарвар, халқпарвар, тадбиркорлик сифатларига, қалб тозалигига эга бўлиши тарихий далиллар асосида ёритилди. Умуман, раҳбарлар, раҳбарлик маърифати газета саҳифаларида асосий ўринда турди. Амалдорнинг қандай бўлиши зарурлиги ҳақидаги фикрлар айнан ана шу хислатлар амалдаги бошқарув ходимларига етишмаётганини билдирарди.

«Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррирлигида ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад адолат, ўзликни таниш, танитиш борасида маърифат йўлидан қайтмагани нашр тахламларидаги материаллар мазмун-моҳиятида сақланиб турибди. «Ўзбекистон матбуоти» асосан журналистикага ихтисослашган нашрдир. Шу боис ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасида муносиб ўрин тутган ҳуқуқ мавзуси хос тарзда берила бошланди. Бунга мисол тариқасида «Ҳуқуқий саводхонлик ва ОАВ» мақоласини келтириш мумкин. Унда аввало журналистнинг ўзи ҳуқуқий саводини ошириш ҳисобига муштарийлар, демакки, жамоатчиликнинг бу борадаги маданиятини кўтариши зарурлиги исботланган.

Бугунги журналистик мажмуаю дарсликларга киритилган бир мактуб тарихи ҳам шу журнал билан боғлиқдир. Тили ўткир ижодкор Тожиддин Раззоқнинг «Ҳуррият» газетасида «Излагай...» номли мақоласи чоп этилади. Унда журналистнинг бутунлай «бўшалиб олмаганлигини» сезган «Ўзбекистон матбуоти» бош муҳаррири ўз журналида бунга имконият яратади. Аввало, Хуршид Дўстмуҳаммад муаллифга нашр орқали «Журналистнинг шаъни тамадан устун» сарлавҳали очиқ хат ёзади. Бунда журналистларнинг тамагирлиги билан боғлиқ иллатлар муҳокамага олиб чиқилган. Муаммолар жуда вазминлик билан кўтарилган бу хатга жавобан Тожиддин Раззоқнинг журнал Бош муҳарририга ёзган «Нажот қалъаси — кўкрак қафаси» сарлавҳали мактубини ўқиган ёш журналистлар уларнинг бежизга қўлланмаларга киритилмаганини, билдирилган фикрлар қадри бугун ҳам баланд эканлигини англаб етадилар.

> **Сиёсатчи Хуршид Дўстмуҳаммаддан иқтибос: «... тақдирда шундай вазифалар бор экан, афсус чекмайман. Сиёсат алоҳида бир ҳаёт реаллиги. Бу реалликдан ташқарида, чеккада туриб унинг ичида кечаётган жараёнлар устидан тўғри ва адолатли ҳукм-хулоса чиқариш қийин».**

* * *

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг биринчи бадиий асари — «Ажажа» деб номланган фантастик ҳикояси 1979 йили «Фан ва турмуш» журналида эълон қилинган. 1980 йилда «Гулистон» журналида босилган «Киова қуёши» номли иккинчи ҳикояси бирмунча баҳсларга сабаб бўлган.

Бир-бирига ўхшамаган асарлар — тажрибалар. «Оромкурси» ҳикояси бир олам бўлса, «Жажман» тирикликнинг бошқа бир туганмас хулосаларини беради. Ёзувчининг «Паноҳ», «Сўроқ», «Соф ўзбекча қотиллик», «Маҳзуна», «Ибн Муғанний», «Ёлғизим — Сиз», «Кўз қорачиғидаги уй», «Ҳижроним мингдир менинг» қисса ва ҳикоялари, «Бозор» романи — алоҳида бир дунё... «Донишманд Сизиф» романи — мангу жараён!

*Қуйида публицист ва муҳаррир Абдулла Қодирий ҳаётининг бир лаҳзасини қиссага айлантирган «Ёлғиз» асари хусусида қисқача хулоса:*

*«Ёлғиз» — ҳурлик йўлида бошни кундага қўйиб бўлса-да, тўғри сўз айтган бобо(лари)миз тақдири!..*

*«Ёлғиз» — шу пайтгача ҳақиқатни ёзиб, оқибатда таҳқирланганлар қисмати!..*

*«Ёлғиз» — салтанат соҳибларининг келгусида танқидга тўғри муносабатда бўлишга интилиши зарурлиги хусусидаги ўтинч!..*

*«Ёлғиз» — ҳақ сўзни айтган инсонни жамият қўллаб-қувватлаши зарурлиги ҳақидаги чорлов!..*

*«Ёлғиз» — айтилганлар қўйида азобланаётган ёлғиз қалб изтироблари...*

Китобни ўқиган ҳар бир зиёли бундай эътирофлар қаторига ўз ҳақиқатларини қўшиши шубҳасиздир!

* * *

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг моҳир таржимонлигидан ҳам кўпчилик бехабар. Ҳолбуки, у А.Рюноскэ, С.Цвейг, Т.Пўлатов, В.Гаршин, Т.Сухотина-Толстая, А.Якубовский, Г.Гулиа, Юсуф ас-Шаббий, А.Жук, А.Риук, М.Хошур, В.Череванский, К.Калваро, Хосе Варас, А.Ал-Манфалутий, Б.Зокиров, Ш.Абдусаломов сингари ёзувчи, тарихчи, адабиётчиларнинг қисса ва ҳикояларини, новелла, эссе, эсдалик ва кундаликларини ўзбек тилига ўгирган.

* * *

Адиб ижоди билан сиртдан таниш кишилар, айниқса, адабиёт ихлосмандлари унинг сиёсий фаолиятига ўзгача кўз билан қарайдилар. Сиёсатчи Хуршид Дўстмуҳаммаддан иқтибос: *«... тақдирда шундай вазифалар бор экан, афсус чекмайман. Сиёсат алоҳида бир ҳаёт реаллиги. Бу реалликдан ташқарида, чеккада туриб унинг ичида кечаётган жараёнлар устидан тўғри ва адолатли ҳукм-хулоса чиқариш қийин».*

Сиёсат дунёсига ҳам шу тариқа кириб келди. 1996 йили «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топгач, унинг сафига киради. Партия Уставида белгиланган мақсад-вазифалар уни кўпдан буён ўйлантириб, ташвишлантириб келаётган орзу-ниятларининг айнан ўзгинаси эди. Партия ишининг ҳам қизиқарли жараён эканини кўриб, билиб, киришиб кетади. 2004 йилда эса Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси этиб сайланади. Тўрт йил партия фаолиятини бошқарди.

Яна бир фикр. Давлатлар тарихида президентликка номзодини қўядиган кишилар миллионлардан сараланади, яъни улар саноқли ҳисобланадилар. Хуршид Дўстмуҳаммад ўз даврида «Миллий тикланиш» партиясидан Президентликка номзод сифатида кўрсатилган журналист эканлиги ҳам тарихий факт.

Айни пайтда ҳам у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сифатида жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини билдириб келмоқда.

* * *

Хуршид Дўстмуҳаммад қаерда ишламасин, ўқиб-ўрганишдан, фикрлашдан, фикр айтишдан тўхтамайди. Фикрлари маърифат либосига ўралган бўлса-да, баъзан раҳбарларга ёқмагани ҳам бор гап, қора рўйхатга тушган пайтлари ҳам бўлди.

Меҳрибон устоз, заҳматкаш олим, филология фанлари доктори, таниқли ёзувчи, моҳир публицист, бағрикенг раҳбар, шахмат шайдоси, Ёзувчилар, Журналистлар уюшмалари аъзоси, «Офарин», «Эътироф» ва «Эҳтиром» миллий мукофотлари, «Шуҳрат» медали, «Дўстлик» ордени совриндори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ижоди ва фаолияти серқиррадир. Уни бир мақолада айтиш мушкулдир.

Халқда ўзингни, ҳаёт моҳиятини англашни истасанг, ўқи ёки дунё кез, қабилида нақл бор. Хуршид Дўстмуҳаммад кўп ва мунтазам ўқийди. Ҳуррият насимлари уни мутараққий мақомини олган дунё мамлакатларини кўриш, муайян соҳалардаги тажрибасини ўрганишига сабаб бўлди. Ўқиганларини кўрганлари билан қиёслади, хулосалар чиқарди, уларни ҳамкасбларига, жамоатчиликка етказишга ҳаракат қилди ва ҳаётнинг, инсон умрининг қадр-қимматини шунда деб билароқ, эзгу амалларини юқори мақомларда давом эттирмоқда.

Фикримизча, одамзод қалб тозалигини хуш кўради. Турли сабаблар билан қалбига ғубор оралаган гумроҳлар ҳам шундай мунаввар инсонларга интилаверади. Ҳаётда кўпчилик билан суҳбатлашасиз, яқинлашасиз, ака-ука тутинишга, дўстлашиб, умр йўлингиз мазмунли бўлишига ҳаракат қиласиз. Лекин сиз яқинлашишни истаган банданинг билдирган фикрлари, амали, муносабати жараёнида қалбидаги ноқисликни озгина бўлса-да, пайқаб қолсангиз, кўнглингиз совийди. Агар қалб тозалигини асраб яшаётган инсонга учрасангиз, бу сизнинг бахтингиздир. Худо шундай фариштали устозга дуч қилганидан биз шогирдлар шукронадамиз.

**Ҳалим САИДОВ,**
*филология фанлари доктори*

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва касаба уюшма қўмитаси жамоаси ушбу олий таълим муассасасининг Ҳозирги замон рус тили кафедраси ўқитувчиси Муборак Маҳмудовага ўғли

**Аброр МАҲМУДОВ**

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.




*Янги нашр*

# «ТИЛДА, ФИКРДА, ИШДА БИРЛИК!»

## «Жадид» газетаси биз кутган маънавият ва маърифатни бера оладими?

**Бугунги замондошларимиз, айниқса, ёшларимиз табаррук аждодларимиз, жумладан, жадид боболаримиз йўлидан бориши, уларнинг маданий ва бадиий меросини ўрганиши, шонли ва армонли кунларидан ибрат олиб, келажакка разм солишлари лозим. Буни умумий мақсадлари тинчлик ва тараққиёт бўлган туркий халқлар аллақачон англаб етган ва айни йўналишдаги саъй-ҳаракатларни бошлаб юборишган. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда бу борада сезиларли ишларга қўл урилди. Улардан бири 2024 йилнинг илк кунида «Жадид» номли янги газета дунё юзини кўргани бўлди.**

Мазкур нашр юртдошларимизни жадидлар ғоялари, мафкураси, мақсадлари билан янада яқинроқ таништириб боради. Чунки биз кўпинча жадидлар ҳақида баралла гапирсак-да, аксариятимиз уларнинг асл мақсадлари ва ҳаракатлари билан яхши таниш эмасмиз. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси, Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди муассислигида таъсис этилган янги газета ўша бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Унинг шиори «Тилда, фикрда, ишда бирлик!». Йўналишига кўра, адабий, илмий-маърифий ва ижтимоий ҳафталик нашр саналади. Дастлабки сони жами 17156 нусха бўлиб, 4800 таси кирилл, 12356 таси лотин алифбосида чоп этилди. Биринчи саҳифасида Президентимизнинг халқимизга Янги йил табриги, «Жадид» газетаси жамоаси ва муштарийларига мурожаати эълон қилинган. Шунингдек, Бош муҳаррир Иқбол Мирзонинг «Бирлашмоқ даври» мақоласи ва «Жадидлар» шеъри ўрин олган. Шеърни ўқиб, илму зиёга бўлган муносабатда бугунги кун нафасини ва оғриғини ҳис қиласиз. Жадидлардан андаза олишимиз, майда-чуйда юмушлар билан ўралашиб қолмаслигимиз зарурлигини англаб етасиз.

Газетанинг ички саҳифаларида турли рукнлар остида «Тинчлик қадри», «Турон» жадид кутубхонаси бунёд этилса...», «Байрам кимники?», «Учинчи Ренессанснинг миллий пойдевори» сарлавҳали мақолалар ҳамда яқинда «Биринчи китобим» лойиҳаси бўйича илк китоблари чоп этилган бир гуруҳ ёшлар ижодидан намуналар берилган. «Боқий мерос» саҳифасидан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Самарқанд» газетасининг 1913 йил 30 июлдаги сонида чиққан ва ўз даврига ойна тутган «Миллатлар қандай тараққий этарлар?» мақоласи ўрин олган. Унда қуйидаги жумлаларни ўқийсиз:

*«Бир карра диққат қилиб, маҳалла-кўй ва бошқа қишлоқ халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлик нақадар кўпайган. Биз мусулмонмиз. Мусулмонликға илм лозим, амал лозим. Ўқумоқ керак, нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, биза юза бир нафар саводлик йўқ?*

*Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ва гадойликда. Бошқа миллат уламосига тобеъ экан, бизни уламо билъакс авомға тобеъдур? Бунинг охири хароб-дур. Йигирма, ўттуз сана сўнгра яна ёмонроқ бўлур, мусулмонлик, илм ва одоб ила қоим миллат ахлоқ, фазл ва ҳунар ила боқий қолур».*

«Гўзал ёзғичлар» туркумида Абдулҳамид Чўлпоннинг 1922 йилда ёзилган, рамзларга бой «Барг» ва «Бинафша» шеърлари берилган. Абдулла Авлонийнинг «Ўз маишатимиздан», «Нима кимники?» каби ғазалларида ҳам жамият муаммолари айрим ўринларда киноя ва ўхшатишлар билан аччиқ танқид қилинади. Уларни ўқиб, айримлари ҳозир ҳам долзарблигини йўқотмаганини, ҳамон жамиятимизга эш эканини англаймиз. Демак, бу битикларни қайта-қайта ўқисак ва тегишли хулоса чиқарсак, арзийди. Абдулла Қодирийнинг «Таржимон» ва «Юрт» нашридан олинган кириш сўзлари ҳам худди шундай муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Газетани ўқиганларга у манзур бўлади. Аммо жамоатчилик фаолларининг аксарияти янги нашрдан кўпроқ нарса кутишганини таъкидлашмоқда. Биз эса унинг навбатдаги сонлари мазмунан бойиб боришига ишонамиз. Шу билан бирга, келгусида дизайнига ҳам кўпроқ эътибор берилса, яхши бўларди, деган фикрдамиз. Бас, шундай экан, эзгу ва улкан мақсадда иш бошлаган жамоани янги газета билан қутлаб, ижодий ишларига омад тилаймиз.

**Зебинисо ЯНГИБОЕВА**

*Туризм*

# ҚАЕРГА САЁҲАТГА БОРМОҚЧИСИЗ?




**Юртимизда қиш. Аммо бу саёҳатлар мавсумини асло чекламайди. Саёҳатга боришни истаётган юртдошларимиз учун қайси давлатлар эшиги очиқ? Виза олиш, визасиз режим – қаерда, қандай? Турфирмалар хизмати, авиакомпаниялар танлови-чи?**

Туризм қўмитаси маълумотига кўра, 2022 йилда беш миллион нафардан ортиқ ўзбекистонлик хорижга саёҳатга боришган. Бу рақамларнинг асосий қисми МДҲ давлатларига тўғри келади. Хусусан, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Россия давлатларига чиқиш энг кўп қайд этилган ва албатта, улар орасида иш, тиббиёт, қариндошчилик каби масалалар муҳим роль ўйнаган. МДҲдан ташқари давлатларга борган саёҳатчилар сони бўйича Туркия биринчи ўринда. Ундан кейинги ўринларда эса Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Миср каби давлатлар турибди. Турфирма мутахассислари берган маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, юртдошларимизнинг сўнгги йилларда Туркия, БАА малакатларига саёҳатлари сони ошган. Шунингдек, муборак Умра ва Ҳаж сафарларига бориш имкониятлари кенгайгани ҳисобига ҳам Саудия Арабистонига борувчилар сони сезиларли кўпайган.

### ҚИШКИ МАВСУМ ИМКОНИЯТЛАРИ

Республикамиздаги совуқ об-ҳаво шароитида юртдошларимиз орасида иссиқ ўлкаларга саёҳатга боришни истовчилар кўп учрайди. Шу боис Дубай, Абу Даби каби шаҳарларга, шунингдек, Таиланд, Вьетнам, Миср давлатларига қизиқиш ортиб бормоқда. Жумладан, Дубай ва Абу Даби каби шаҳарлар осмонўпар бинолари, бетакрор замонавий дизайни, антиқа музейлари, мусиқали фонтанлари ва каттаю кичикка сеҳрли саргузаштларни тақдим эта оладиган шоулари билан манзур бўлмоқда. Туркияга эса одамлар асосан, гўзал табиати, денгиз манзаралари ва қадимий, тарихий қадамжоларни зиёрат қилиш учун боришади. Таиланднинг Пхукет, Вьетнамнинг Фукок, Ҳиндистоннинг Гоа ороллари бетакрор табиат манзаралари билан ўзига чорлайди. Қатарга бориш ҳам анча оммалашмоқда. Чунки ўтган йилдан эътиборан мазкур давлатга бориш учун виза бекор қилинди.

Юқорида айтилган қатор йўналишларнинг мамлакатимиз сайёҳлик бозорига кириб келиши натижасида 2023 йилда юртимизда сайёҳлик имкониятлари анча кенгайди.

– Айни пайтда кўпчилик қизиқиш билдираётган йўналишлардан бири Миср, – дейди пойтахтимиздаги хусусий турфирмалардан бирининг директор ўринбосари Маҳфуза Мирбабаева. – Мисрга юртдошларимиз Қизил денгизда сув остида ташкил этиладиган томошаларни, Миср эҳромларини кўриш учун боришмоқда. Биз бу йўналишни ҳам оилавий саёҳатга борадиганларга тавсия қиляпмиз.

### ВИЗАЛАР ВА АВИАКОМПАНИЯЛАР МАСАЛАСИ

Юртимизда хорижга чиқаётган саёҳатчилар сони ошаётгани, энг аввало, давлатимиз қардош ва бошқа давлатлар билан самарали дипломатик муносабатлар ўрнатаётганига боғлиқ. Масалан, айни пайтда Туркия, Россия, Миср, Вьетнам, Қатар, Озарбайжон, Беларусь, Малайзия каби давлатларга бир ҳафталик ёки бир ойлик саёҳатларга визасиз чиқиш мумкин.

Мисрнинг «Шарм эл Шейх» сайёҳлик зонасига визасиз бориш мумкин, аммо Миср эҳромлари ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўриш учун виза олишга тўғри келади. Таиландга ҳам борилгач, аэропортда виза расмийлаштирилади. Дубай, Абу Дабига эса виза олиш керак. Илгари Қатарга кириш учун 2000 АҚШ доллари атрофида тўлов қилиниб виза олинган. Президентимизнинг 2023 йилда ушбу давлатга қилган расмий ташрифидан сўнг икки давлат ўртасида визасиз режим жорий этилди. Энди бемалол Қатарга ҳам визасиз саёҳатга бориб келиш мумкин.

Авиакомпаниялар давлатнинг сайёҳлик имкониятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Бир пайтлар асосан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси орқали хорижга училар эди. Сўнгги 2 йилда Ўзбекистон авиа тизимига янги ва хусусий компаниялар ўз қатнов линияларини кирита бошлади. Натижада аҳолида танлаш, чўнтагига мос нархда билет олиш имконияти пайдо бўлди. Масалан, «Qanot Sharq Airlines» хусусий ўзбек авиакомпанияси маҳаллий ва халқаро парвозларни амалга оширмоқда. «FlyDubay» (БАА), «Wizz Air» (БАА), «Победа» (Россия), «Centrum air» (Ўзбекистон), «Turkish airlines» (Туркия), «Air Arabia» (БАА) каби хориж авиакомпаниялари кириб келиши натижасида турли йўналишдаги қатновлар нархлари тушди.

### ЭҲ, ЕВРОПА, ЕВРОПА!

Албатта, сайёҳлик борасида ҳаммаси зўр дея олмаймиз. Ўзига яраша муаммолар ҳам бор. Масалан, Европа давлатларига саёҳатга чиқиш, аниқроғи, виза олиш мураккаблигича қолмоқда. Туроператорлар Шенген визаси ўтадиган Европадаги 26 та давлатга саёҳатга борувчилар камлигига сабаб виза олиш жараёни қийинлигини айтишди. Виза олаётганлар бор, аммо улар асосан ишлаш ва ўқишга кетишмоқда. Саёҳатга борувчи Европадаги давлатга кириш визасини олиш учун камида олти ой олдин ҳаракат қилиши лозим. Чунки бу визанинг талаблари бироз мураккаб ва керакли ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда жавоб чиққунича анча вақт кетади. Келгусида юртимиз саёҳатчилари учун бу турдаги виза олиш жараёнини ҳам соддалаштиришга катта эҳтиёж бор.

### БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Саёҳатга бормоқчи бўлсангиз, аввало, хорижга чиқиш паспортини олиб қўйинг. Бирор давлатга саёҳатга боришдан олдин номингизда бўлган уй, коммунал тўловлар ва кредит бўйича қарздорлик бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, аэропортда қайтариб юборишлари мумкин. Бу масалага ечим бор, яъни аэропортнинг ўзидаги махсус бўлимда қарзларни (пул бўлса, албатта) тўлаш имконияти мавжуд.

Туроператорларга алданиб қолмаслик учун уларнинг неча йилдан буён туризм бозорида фаолият кўрсатаётгани билан қизиқинг. Иложи бўлса, шу турфирма орқали саёҳатга бориб келган одамлар билан гаплашинг. Турфирманинг расмий саҳифаларидаги маълумотлари билан танишиб чиқинг. Саёҳат учун меҳмонхона танлаётганингизда интернет орқали унинг видеоларини кўринг. Арзон нархдаги меҳмонхоналар ва хизматларга учманг. Кўпинча улар ишончсиз ва сифатсиз ёки фирибгарларнинг ёлғон таклифлари бўлиб чиқади.

**Хулоса ўрнида:** дунё кезинг, дунёқарашингиз кенгаяди, билим даражангиз ошади. Бугун вақтингиз бўлмаган нарсага эртага имкониятингиз бўлмаслиги мумкин. Шундай экан, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ўзингизни хурсанд қилишга, ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасидан завқланиб яшашга улгуринг.

**Зебо НАМОЗОВА**
*«ISHONCH»*

*Муносабат*

# ОНАЛАРНИ ҲАМ ТИНГЛАБ КЎРИНГ



**Ҳовлисида боласини аёвсиз калтаклаётган аёл акс этган видео тарқалди. Андижонда ёш аёл Россияда ишлаётган эридан ўч олиш учун 5 ойлик боласини азоблаётгани акс этган видео ҳам муҳокамаларга сабаб бўлди. Хоразмлик аёл эса уч боласини ўзи билан бирга ёқиб юбормоқчи эди... Таассуфки, бундай мисолларнинг охири йўқ...**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунёда болаларга нисбатан зўравонликни таҳлил қилар экан, уни жамиятдаги турли муаммолар билан боғлайди. Жумладан, гендер ва ижтимоий тенгликнинг йўқлиги, уй-жой билан боғлиқ икир-чикирлар, ишсизлик ва камбағаллик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, болаларга нисбатан зўравонликка оид маданий, ижтимоий меъёрлар, ҳаёт сифатининг пастлиги сабаб саксон фоиз ҳолатда болаларга ўз яқинлари тазйиқ ўтказади.

– Одатда охир-оқибат ўзи ва яқинларига озор бераётган аёлларнинг 90 фоизи қилган ишидан пушаймон бўлишади, – дейди Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова. – Бир она, буви сифатида кўнгил хираликларни мунтазам ўрганиб бораман. Энг асосий масала – нега шу ҳолатгача етиб келганидир. Муаммолар ҳар жиҳатдан ўрганиб чиқилиши лозим.

Бундай вазиятлар аксарият ҳолларда турмуш ўртоғи четга чиқиб кетган, бошида бироз моддий таъминоти яхшиланишига ҳисса қўшиб, кейинчалик уни узиб қўйган ёки бошқа аёлга илакишиб қолган, умуман, эътиборсизликдан аламзада аёллар томонидан содир этилмоқда.

Оилаларнинг ҳолатини ўрганишда «маҳалла еттилиги» муҳим ўрин тутади. Бу жараёнда ҳар бир оилага кириб бориш, уларнинг муаммоларини чуқур ўрганиш, имконсиз, тушкунликка тушиб қолган оналарга ёрдам қўлини узатиш жуда ҳам зарур. Бунда, албатта, «Бувижонлар мактаби», «Оқила аёллар» ҳаракати ёрдамидан кенг фойдаланиш лозим.

Табиийки, аёлларни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш муаммога ечим бўла олмайди. Боиси, бу ҳолатда оналарга ҳам, фарзандларга ҳам жабр юки ортади. Болалар қаровсиз қолади, васийликка оладиган қариндошлар уларга етарлича меҳр кўрсатадими, йўқми, бу ҳам номаълум. Токи муаммонинг сабаблари билан курашилмас экан, бундай ҳолатлар такрорланаверади.

Чорасиз, йўл тополмай қолган аёлларни касб-ҳунарга жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш кўпроқ самара беради. Негаки, ҳунари, иши бор аёлнинг эртанги кундан кўнгли тўқ бўлади. Моддий таъминотга у қадар эҳтиёж сезмайди. Қийин вазиятларда имконсиз қолмайди. Маҳаллаларда эса бунга имкониятлар бор. Ўқув марказларида бепул таълим олишлари, касб-ҳунар ўрганиб, мустақил иш бошлашлари ҳам мумкин. Қолаверса, йигит-қизларни оилага тайёрлаш, ота-оналик вазифаларига масъулият билан ёндашишни уқтириб бориш даркор.

Воқеаларни кузатар эканмиз, фарзандларини азоблаётган аёлларнинг кўпчилиги аламзада экани кўзга ташланади. Оилавий муносабатлар, рўзғор ташвишлари, етишмовчилик, меҳрсизлик, эътибордан четда қолиш каби ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммолар уларни шу кўйга солаётгани бор гап. Уларни ҳал этишга, тўсиқларни ёриб ўтишга аксарият ҳолларда аёллар ёлғизлик қилишади, кучлари етмайди. Чунки бу борада уларнинг тажриба, тасаввур ва билимлари йўқ. Ҳудудлардаги реабилитация марказлари эса кўпинча кейинги вазиятларда кўмаклашади. Кўпчилик опа-сингиллар бу ерга ҳатто мурожаат қилишга андиша қилишади.

– Кейинги пайтларда оилаларда фарзандларга нисбатан ота-оналар томонидан зулм, зўравонлик қилишлар тез-тез учраб турибди. Бу жуда ташвишли ҳолат, – дейди Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, юридик фанлар доктори Нигора Юсупова. – Биз қачон бундай ситамкор, зулмкор, қаҳри қаттиқ инсонларга айланиб улгурдик? Азалдан оила муқаддас саналган. Аввалари оталар ўзига яраша ибрат мактаби ўлароқ, тарбияни қўлга олишган, оналар эса фарзандларини юмшоқлик билан ўзига хос фазилати, меҳри билан тарбия қилган.

Оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ёшларни оилага тайёрлашда маълум муддат оила марказлари қошида инновацион мактаблар фаолият олиб борди. Бу яхши тажриба бўлди. Мен ҳам ана шу курсларга таклиф қилиниб, ҳуқуқий-диний тарафдан эр ва хотинлик муносабатлари, фарзандлар олдидаги мажбуриятлар бўйича маслаҳатларим билан ўртоқлашгандим. Ёшларнинг саволлари, қизиқишларидан келиб чиқиб, бу қанчалар кераклигини ҳис қилгандим. Кўпинча ота-оналар ҳаётий муаммолар, рўзғор ташвишлари билан банд бўлишади. Шу боис бундай курслар яна ташкил этилиши керак, назаримда.

ЖССТ болаларга нисбатан зўравонлик масалаларини ўрганар экан, профилактик тадбирлар қаторида ота-оналар ва тарбиячиларни қўллаб-қувватлаш, улар билан тиббий, руҳий машғулотлар олиб бориш, ҳаётий билимларини такомиллаштиришни ҳам таклиф қилади. Аслида оналардан нега бундай қилганини сўрашдан кўра, уларга ёрдам қўлини чўзиш, яқинларидан умид бўлмаганда ўзига нисбатан ишончини мустаҳкамлаш, жамият аёллар учун ҳамиша ёрдамга шай эканига ишонтира билиш муҳим.

Оналарни шунчаки айблаш осон... Аммо уларни ҳам бир тинглаб кўринг, эшитинг, тушунишга ҳаракат қилинг шунда ҳар доим аёллар айбдор бўлавермаслигига амин бўласиз.

**Гулрух ОДАШБОЕВА**
*«ISHONCH»*

**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
*(tahrir hay’ati raisi),*
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
*(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*

Mehriddin SHUKUROV
*(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*

Valentina MARSENYAK
*(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** A. Haydarov

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 22:50
**Topshirildi –** 23:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 018**
**Shundan:**
**7540 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
**19 016 nusxasi** «Erudit» MChJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
**8462 nusxasi** «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma **G 23**

1 2 3 4 5 6